

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 10 yanvar № 2 (539)

Sotuvda narxi erkin

## ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ ИМЗОЛАНДИ

Агентлик кичик мажлислар залида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кўмитаси ўртасида 2003-2005 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишувини имзолаш

тадбири бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ ҳамда Республика алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т.НАЗАРЖОНОВлар имзолашди.

## ТАЙИНЛАШ

"Коинот" очик турдаги акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг келишувига биноан **Сирожиддин Сайфутдинович ФАХРУТДИНОВ** ушбу акциядорлик жамияти бош директори лавозимига тайинланди.



## МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР КОНУНИЙ БЎЛСИН

•Мулоҳаза

•Муаммо


Барча хўжалик юритувчи субъектлар қандай ташкилий, ҳуқуқий шаклга эга бўлишидан қатъий назар, ўз ваколатлари доирасида асосий ва кундалик вазифаларини амалга ошириш мақсадида буйруқлар, фармойишлар чиқаришлари мумкин. Бундан алоқа ва ахборотлаштириш тизимидоки корхона ва ташкилотлар ҳам мустасно эмас. Амалда буйруқ ва фармойиш лойиҳалари корхоналарнинг директор ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари томонидан тайёрланади. Айтиш жоизки, корхоналар томонидан чиқарилаётган ҳамма хўжжатларни ҳам ҳуқуқий талабга жавоб беради деб бўлмади.

Буйруқ ва фармойишларнинг лойиҳалари пухта тахрир қилинган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланган шаклдаги бланкага тузатишларсиз ёзилган бўлиши керак. Буйруқнинг ҳажми иловалар-

ни ҳисобга олмаганда 1-5 бетдан ошмаслиги лозим.

Корхоналарнинг ваколатли шахслари томонидан чиқариладиган буйруқларни шартли равишда

(Давоми 3-бетда.)



## ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида алоқа ва ахборотлаштиришнинг стандартлаштириш бўйича техникавий кўмита ишчи комиссиясининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори ўринбосари, техникавий кўмита раиси **А.ИЗБОСАРОВ** олиб борди. Йиғилишда кўмитанинг 2002 йилги иш якунлари кўриб чиқилди.

Ўтган йил давомида техникавий кўмита томонидан алоқа ва ахборотлаштириш тизими муаммоларига доир 8 та давлат ва 16 та тармоқ стандарти кўриб чиқилиб, муҳокамага кўйилди. Умуман мазкур кўмита ўзининг уч йиллик фаоли-

ти мобайнида 50 дан ортиқ масала ва 40 га яқин меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқди.

Йиғилишда кўмита аъзолари В.Дворин ва О.Абдуазизовлар томонидан Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари учун "Метрология,

стандартлаштириш ва сифатни бошқариш" курси бўйича тайёрланган ўқув қўлланмаси ижобий баҳоланди. Шунингдек, стандартлаштириш бўйича техникавий кўмитанинг иш фаолияти давомида эришган ижобий кўрсаткичлари билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳам батафсил таҳлил қилинди.

Йиғилиш сўнггида зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕЛАЛАР • ХАБАРЛАР

"Ўзбекистон Республикаси Президенти — Сока университети фахрий доктори" сарлавҳаси остида Япониянинг етакчи нашрларидан бири "Сейкё Шимбун" газетасида бош мақола чоп этилди.

Германиянинг Баден Вюртемберг федерал ўлкасидаги Алберт Людвиг номлидаги Фрайбург университети ҳузурида Германия-Ўзбекистон илмий жамиятининг тузилиши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Литвада яқинба кунни бўлиб ўтган президент сайловларининг иккинчи турида мамлакат либерал-демократик партияси етакчиси, 46 ёшли Роландас Паскас ғалаба қозонди. Икки марта Бош вазир лавозимида ишлаган Р.Паскас сайловда амалдаги президент Валдас Адамкус устидан ғалаба қозонди.

Венесуэла Ишчилар конфедерацияси президенти Карлос Ортега мамлакат президенти Уго Чавеснинг сиёсатиغا ўз муносабатларини билдириш бўйича шу йилнинг 2 феврал кунига тайинланган референдум ҳар қандай шартда ўтказилишини маълум қилди.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ҚХДРга махсус вакили юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Махсус вакил — канадалик Морис Стронг мамлакатдаги озик-овқат таъминоти билан боғлиқ вазиятни ўрганиш мақсадида сафарбар қилинмоқда.

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Стронг Пекинда қисқа вақт тўхтаб, шу ҳафта ичида Пхеньяга келади.

Афғонистоннинг Дарвоз туманидаги Куф ва Шика қишлоқларида кўйбўтал оқибатида 168 нафар бола ҳаётдан кўз юмди. Айни пайтда, ушбу эпидемия билан мамлакат шимолида 40000 нафардан зиёд бола касалланганлиги қайд этилган.

"Лента.ру"нинг маълумотига қара, худудларга 20 нафардан ортиқ мутахассис ва шифокорлар зудлик билан юборилиши режалаштирилмоқда.

## АЛОҚАЧИ АЁЛЛАРНИ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда АҚШ ҳукумати ўртасида 2002 йилнинг 12 июлида имзоланган "Грант тўғрисидаги битим"га биноан "Телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида аёлларни ўқитиш маркази" лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқариш бўйича молиялаштириш тақдим қилинган, грант Американинг савдо ва тараққиёт бўйича агентлиги томонидан ажратилган эди. Белгиланган тендер бўйича ўтказилган танловда АҚШнинг Telematique, Inc компанияси марказни яратиш, техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш имкониятини қўлга киритди ва мазкур компания ҳамда ТАТУ ректори С.Қосимов томонидан 2002 йил, 12 ноябрда шартнома имзоланди.

Компания ишчи гуруҳи лойиҳанинг илк босқичини амалга ошириш мақсадида ўтган йилнинг 8-13 ноябр кунлари мамлакатимизга ташриф буюриб, университетда ахборот ресурсларининг умумий аҳоли, телекоммуникация ва ахборот технологиялари йўналишидаги ўқув режаси ва дастурлари таҳлили билан танишиб, қатор ташкилий масалаларни кўриб чиққан эди.

Яқинда Telematique, Inc компанияси вакилла-

ри техник вазифанинг навбатдаги босқичини амалга ошириш учун яна республикамизга келди. Шу мақсадда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида семинар ташкил қилинди. Унда Telematique, Inc компанияси президенти Линн Галлахер, компания телекоммуникация тармоқлари бўйича эксперт Роберт Мерсер, "Телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида аёлларни ўқитиш маркази" лойиҳаси директори, ТАТУ ваки-

ли Н.Усмонова, университет ректори Х.Орипов ҳамда Агентлик тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари иштирок этди. Семинарни Агентликининг Кадрлар ҳамда мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи М.Рустамова олиб борди.

Алоқа соҳасида фаолият юритувчи хотин-қизлар ва Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларини телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ривожланган мамлакатлар иш тажрибаси, соҳа ютуқлари, янги техника ва технологиялар билан таништириш ва бошқа масалалар юзасидан ташкил қилинган Марказ ўзининг ўқув семинарларини ўтказди. Йиғилишда ана шу ўқув семинарларни қай тарзда ташкил қилиш, унинг муддати, ўтказилиш шаклига оид масалалар муҳокама қилинди.

Семинар ўз ишини бугун «Малика» меҳмонхонасида давом эттиради.

Л.ТУСУНОВ

Yangilik

“Тошкент Телеком” филиали Пискент телекоммуникациялар боғламаси АТС бўлими этакчи электромеханиги Н.Мирзаев унинг аксар қисми алоқа соҳаси билан боғлиқ. Туман электралоқа соҳасининг равнақида унинг ҳам салмоқли меҳнатлари бор. У 40 йилдан зиёд ўз меҳнат фаолияти давомида соҳа раҳбари, бош муҳандис, қатор йиллар бўлими этакчиси, АТСнинг тажрибали мутахассиси вазифаларида ишлади. Н.Мирзаевнинг жамoadошлари айниқса унинг раҳбарлик салоҳияти ҳақида кўп гапиришади.

**Махбуба ШОМУРОВА, телеграфчи:**

— Нурмат ака билан чорак асрдан бери ишлаб келмокдаман. У киши раҳбарлик қилган вақтларда оилавий келишмовчиликлар ёки хизмат юзасидан бирор муаммо келиб чиқса, яқин кишимиздай гапмуҳаббат қўрсатар, қўлдан келган яшилчини аямас эди. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Тўнғич болам икки ёшга тўлмай, оилавий зарурат юзасидан тавтиқдан барирак ишга чиққандим. Аксига олиб болам қаттиқ касал бўлиб қолди. Ҳадеб боламни даволатиш учун ишдан қўлавертиш хижолатли, ишламай десам, шароит кўтармайди. Шунда бир-икки кун ёнимда бола билан ишга қатнаб юрдим. Бу ҳолга техника хавфсизлиги муҳандиси қаттиқ танбач берди. Нурмат ака аҳволни билгач, муҳандисни олдимига бошлаб келди-да:

— Табабнинг қонун бўйича тўри, — деди унда, — лекин муҳандисликда одамгарчилик, оқибат деган ёзилганми қонунлар ҳам бормиғини унутмайлик, ука. Ишини элаб турибдими, майли, уч-тўрт кунда касал ўтиб кетали, ишлайверсин. Бир-бирингизни дилингнизи оғритманг, кўмакка муҳтож вақтида оқибат кўрсатинг, сўянг. Ахир бу болалар бизнинг эртанимиз-ку. Ким билсин, балки бу миттвойи келажакда менга, сенга ўхшаб алоқачи бўлар...

Унинг сўзлари менга далла бўлиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Фаришта Нурмат аканинг сўзларини кўлаб юбордим, мана ҳозир ўша ўғлим — Муроджон Тошкент алоқа коллежини битириб, ўзимизнинг АТСда ишлапти.

**Дилфуза АБДУРАҲМОНОВА, техник хисобчи:**

# БАХАТЛИ ОИЛА

— Ҳар қандай хунарда тажриба ва маҳорат йиллар давомида чархла-

*Дунёда кимгадир nasib этган, кимгадир армон бўлган соадат борки, кексаларимиз буни “Қариганда фарзанд роҳатини кўриш”, дея биладилар. Нурмат ака ва Марҳамат аялар ҳам шундай умид билан олтн нафар фарзандни оқ юнб, оқ тараб ҳалол ва диёнатли кишилар қилиб тарбиялайлар.*

ниб, ўткирлашиб бориши сир эмас. Соҳадаги узок йиллик меҳнат Н.Мирзаевни етук мутахассисга айлантирди. Эндилуқ АТСнинг ҳар қандай нуқсонлари — уларни таъмирлаш, мураккаб муаммоларини ҳал этишда жамoa ҳамиша унинг тажрибасига таянади.

Ҳозирда Нурмат ака ўтигларидан баҳраманд бўлган кўлаб шогирдлари соҳанинг етук мутахассислари сифатида фаолият олиб боришмоқда. Тўйтепа телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи А.Абдулганингов, Пискент телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи М.Ҳусанбоев, Олмалик телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси А.Машираповлар Нурмат акани ҳақти равишда устоз деб биладилар.

Биз Нурмат аканинг хонадонларида бўлиб, турмуш ўртоғи Марҳамат ая билан оилада ота-онанинг ўрни, меҳр-оқибат, ҳаловатли турмушнинг сирини нималардан иборат эканлиги тўғрисида сўбатлашдик.

— Юртбошимиз ўтган йилни “Қарияларни қадрлаш йили” деб атаб, жуда савобли иш қилдилар, — дейди ая мамнуният билан. — Ёшн

ўтган инсон борки бу гапимни инкор қилмас керак. Мен олти боламнинг орқасидан олти кудалик бўлганман. “Кудалиқлик — минг йилчилик”, дейдилар. Болаларимнинг олти қизларига ҳамиша мени қандай ҳурмат қилсанг, қайнона, қайнотанни ҳам шундай эъозла, — дея ўтиг берадилар.

— Оилада тиңлик-тотувлик, ҳаловатли турмушнинг сирини мада?

— Оила гўёки хонлик. Эракк пошбо бўлса, аёл вазирадек гап. Аёл оқила бўлса, ҳар қандай эраккни йўлга солиди, оилани тўғри ушлайди. Аслида эракк кишининг сўзи устун леймиз-у, лекин ўша хулоса сўз аёлининг масалаҳатидан келиб чиқади. Энди оилада фақат эру хотин эмас, келин, ўғил-қиз, набира ҳам бор. Уларнинг ўртасида тотувликни асраб турадиган бир содда тушунча бор. Бу муроёмо мадора деган гап. Яъни бир-бириндан ўтган хатоликни тушуниш, кек сақламаслик, кечиримли бўлиш фазилатларидир.

Меҳр кўрсатсанг, меҳр кўрсан. Аллоҳ ҳар кимни қариганда имонини мусово қилмасин. Турмушимизга разм солиб, олтин иккимиз Яратганга шуқрлар қиламиз. Келинларимдан, фарзандларимдан бир бора хурсанлан...

— Аямиз, даламиз бизни ҳеч қачон ранжитмаганлар, — дейишад келинлар, — озгина яхши хизматимизни олқишлаб, дуо қиладилар, чаккироқ иш қилсак, секин йўғри билан ўзимизга тушунтирадилар. Уғилларига ҳамиша: бир қўлингга бизни кўтарсанг, бир қўлингга ўз оилангни кўтар, дея насиҳат қилишади.

Ҳа, бу оилада ҳамма бахтиёр, соадатли.

**Васира ТОҶИБОЕВА,**  
“Тошкент Телеком” филиали Пискент телекоммуникациялар боғламасининг назорат бўлибча йўриқчиси

*Орамиздан одамлар*

## ЗЕВАР ТАНАЛАГАН ЙЎЛ

Ўзбекистонни дунё билан боғлаб турибди

Тўғри, у аввалига адабиёт ўқитувчиси бўлмақчи эди. Институтга кириш имтиҳонлари топшириб ҳам кўрди. Атиғи бир балл етмади. Ўша кунларнинг бирида ногаҳон физика ўқитувчиси Шарифбой акани учратиб қолди. Устоз ҳол сўради. Гап нотиқасида кутилмаган тақдирини ўртага ташлади:

— Мактабда физикадан анча дуруст эдинг-ку. Бекор юргунча, алоқа бўлимига ишга кирсанг яхши бўлмасмикан? Телефончилик ўрни бор, шекилли.

Зевар уйга келди-ю, устози тақлиф қилган ишни онасига билдирди. Онаси ўта зукко, оқила аёл эмасми, унинг фикрини маъқуллади.

Шу зайдда Зевар бундан ропа-роса ўттиз йил муқаддам Беруний тумани алоқа бўлимига телефончи сифатида ишга қабул қилинди. Ундаги касб маҳоратини эгаллашга бўлган қучли иштиёқ, энг муҳими босилмиқ кекса алоқачи Сора Иброҳимова-нинг диққатини тортиди. Сора опа ҳеч иккиланмай, Зеварни ўзига шогирдликка олди. Шундай қилиб ёш телефончи қиз алоқачилик сирларини ўргана бошладиди ва тез орада жамoaнинг хурмат-эътиборини қозонди.

Алоқачиликнинг ўзига хос машаққатли томонлари бор. Бу касб эгаларидан ҳамиша тазкорлик, аниқ ва лўнда жавоб, шу билан бирга ширинсуханлик ва босикчилик талаб этилади. Ҳар қандай дамда, айниқса телефон алоқаси узилган лаҳзаларда миқозни зинҳор ранжитмаслик лозим.

Зевар шу йўлдан борди. Йиллар эса унинг ҳақ йўлини танлаганлигини исбот этди. Маҳоратли алоқачи Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган кўлаб танловларда фаол қатнашди ва доимо фахрли ўринларни эгаллади. Турли нишонлару юқори ташкилотларнинг “Фахрий ёр-

лик”ларига сазовор бўлди.

Зевар Каримова айни кунларда “Қорақалпоқ Телеком” филиалининг Беруний тумани бўлимида телефончилик қилпти. Бу ерда ўн нафар дўгона улуг аллома номидаги шахарни нафақат серкўёш Ўзбекистон, балки бутун дунё билан боғлашдек хайрли хизматни бажаришади. Моможон Раҳматова, Мухаббат Ҳайитбоева, Салима Қурбоннӣёзова, Гулжаҳон Қуншуакова, Маъруфа Абдуллаевалар ўз хозиржавоблиғи ва беиминнат хизматлари билан элдошлари меҳрини қозонганлар. Ўтган йили телефон алоқаси тизимига Япония аппаратураларининг ишга туширилиши миқозлар ва алоқачиларнинг оғирини энгил қилди.

— Мен танлаган йўл, — дейди Зевар, — Ўзбекистонни дунёнинг қарийб барча мамлакатлари билан боғлаб турибди. Бизга кўпроқ АҚШ, Туркия, Эрон, Корея каби давлатлардан кўнчируқлар бўлади. Бундай лаҳзалар, албатта, жуда ҳаяжонли кечадди. АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг даҳшатлари ҳали дунё халқлари хотирасидан кўтарилганича йўқ. Ахир, Америкада берунийлик ёшлар ҳам таълим олмокда-ку. Мана шундай дамда икки-уч дақиқалик телефон кўнчируги ҳаққали дунёнинг нариги чеккасида, оила бағридан йироқда на-фас олаётган фарзанднинг соғомончилиғи, яхши кайфиятидан ҳасбардор бўлган ота-она севинчини тасаввур қилмаслик мумкинми? Шундай пайларда ўз касбимдан минг-минг мартаба рози бўлиб кетаман.

Зевар ҳар кун қанча-қанча дилларга қувонч улашади. Дунёда бундан ортиқ бахт йўқ.

**Тоҳирмурод ЭШМУРДОВ,**  
журналист

### ҒАЛВИР СУВДАН КУТАРИЛГАНДА

Jarayon

Ҳар йилги аънамага мувофиқ ўтган 2002 йилнинг сентябрь ойида жорий йил учун газета ва журналларга обуна мавсуми бошланди. “Ўзбекистон почтаси” ДАК ва “Матбуот тарқатувчи” АҚлари томонидан қабул қилинган 2002 йил, 13 сентябрдаги 81-172-сонли буйруғига асосан ва белгиланган тадбирларга мувофиқ ташкил этилди.

Вилоятларда обунани ташкил этиш учун ишчи гуруҳлари тузилиб, улар асосан ташвиқот-тарғибот, реклама ва эълонлар тайёрлаш билан шуғулланди. Барча алоқа бўлими бошлиқлари, хабарчилар ва бошқа ходимлар ўларнинг хизмат худудларига жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларга обуна ҳақида маълумот арақаларини тарқатдилар. Обунани ташкил этишда маҳаллий ҳокимликларнинг ҳам ёрдами беқиёс бўлди. Шунингдек, обунани янада жадаллаштириш мақсадида аҳоли ўртасида, маҳаллаларда ҳам тарғибот ишлари ўтказилиб, жамoaчи обуна ташкиллаштирувчилар жалб қилинди.

Обунанинг бориши, унинг ташкилий ишларини мувофиқлаштириш, юзага келган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиб бориш мақсадида “Ўзбекистон почтаси” Давлат акциядорлик компанияси томонидан ҳар ўн кунда олинган маълумотлар таҳлил қилинди ва селектор йиғилишлари ўтказилиб, жойлардаги раҳбарлар билан бевосита мулоқот олиб борилди. Бироқ кўрилган чора-тадбирларга қарамай 2003 йил учун газеталарга обуна қилиш ўтган 2002 йилга нисбатан 82 фоизни ташкил этди, холос.

Иш тўғри ташкиллаштирилган жойларда обуна ҳам яхши бўлди. Жумладан, бу йилги режа “Фарғона почтаси” АЖда 2002 йилга нисбатан 120 фоиз, “Навоий почтаси” АЖда 111 фоиз, “Қорақалпоқ почтаси” АЖда 107 фоиз ҳамда “Қашқадарё почтаси” АЖда 102 фоизга бажарилди. Аммо бу кўрсаткич “Андижон почтаси” АЖда 55 фоиз, “Сирдарё почтаси” АЖ да 61 фоиз, “Жиззах почтаси” АЖда 64 фоиз, “Сурхондарё почтаси” АЖда 67 фоиз, “Наманган почтаси” АЖда 68 фоизни ташкил қилган.

Айни дамда газеталар учун 2003 йил, феврал ойидан бўладиган 11 ойлик обуна давом этияпти ва журналларга ҳали йиллик обуна ақунлангани йўқ. Ўйлаймизки, обуна мавсумида сусташликка йўл қўйган вилоят раҳбарлари ўзларига тегишли хулоса чиқариб, ўн бир ойлик обунанда керакли натижага эришадилар.

2003 йил обуна мавсуми бўйича ҳали тўлиқ якуний ҳисобот ва таҳлил тайёрланади ҳамда ҳар бир нашр бўйича натижалар кўриб чиқилиб, хулоса қилинади.

**Р.ТУРҲУНОВ,**  
“Ўзбекистон почтаси” ДАК бош директори ўринбосари

### ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

**Кафедра мудири:**  
Менежмент — 1,  
Маркетинг — 1,  
Иқтисод — 1,  
Иқтисодиёт назарияси — 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**  
Чет тиллар — 1,  
Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 2.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой ичигда қабул қилинади. Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар ва фан номзодлари қатнашишлари мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 108-уй.**

**Телефон: 138-64-06.**



### “ХАВАР” газетаси

ўз саҳифаларида корхона, ташкилот ҳамда хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, туғилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-қутловларни, олди-сотдига оид турли хил хусусий эълонларни чоп этишини маълум қилади.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. Тошкент Бош почтамати, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи биноси, 4-қават, 401 ва 402-хоналар.**

**Мурожаат учун телефонлар: 144-29-09, 136-36-42, 136-35-29.**

Тошкент ахборот технологиялари университети жамoаси университетнинг “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири Г.Туленовага отаси **Жондор ТУЛЕНОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Давлат алоқа инспекцияси жамoаси корхонанинг Қашқадарё вилояти бўлими собиқ бошлиғи **Йўлдош ЖОВУНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбекистон почтаси” ДАК ҳамда “Қашқадарё почтаси” АЖ жамoалари акциядорлик жамиятининг Тафтиш гуруҳи бошлиғи **Йўлдош ЖОВУНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Aloqinvest” АЖ жамoаси корхонанинг собиқ ходими **Михайил ЗАТОКОВЕНКО**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

•Мулоҳаза  
•Муаммо

## МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚОНУНИЙ БЎЛСИН

(Давоми.Бошланиши 1-бетда.)

икки турга: асосий фаолиятга ва мутахассисларнинг шахсий таркибига оид буйруқларга бўлишимиз мумкин.

Асосий фаолиятга оид буйруқлар ташкилотнинг таъсис ҳужжатида кўрсатилган асосий ва ҳундалик вазифаларни амалга ошириш мақсадида, ўз таркибдаги филиаллар, ваколатхоналар ва шўба корхоналарида иш юритиш юзасидан чиқарилиши мумкин. Шунингдек, буйруқлар юқори давлат бошқарув идоралари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва назорат қилувчи ҳамда юқори турувчи органларнинг қўрсатмавий ҳужжатлари асосида ҳам қабул қилинади. Шунингдек, ўтиш жоизки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан чиқариладиган буйруқлар барча алоқа корхоналари томонидан бажарилиши мажбурийдир ҳамда корхоналар бу буйруқлар ижросини мустаҳкамлаш мақсадида ички буйруқ чиқаришлари лозим. Бундай буйруқлар асословчи (кириш) ва фармойиш каби қисмлардан иборат бўлади.

Буйруқларнинг асословчи қисмида уни тайёрлашдан мақсад, мавжуд шарт-шароитлар, сабаблар ҳамда асос қилиб олинаётган меъёрий ҳужжатлар кўрсатилади. Агар буйруқ юқори идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ёки топшириқ ҳолатидаги ҳатлари асосида тайёрланадиган бўлса, бу ҳужжатнинг тўлиқ номи, санаси ва рақами қайд этилиши керак. Айрим ҳолларда буйруққа асос бўлган ҳужжат унинг фармойиш қисмининг тегишли бандида ҳам кўрсатилади. Асослашга ҳолат бўлмаган буйруқлар (ҳодимлар ҳақидаги) тўғридан-тўғри фармойиш қисмида берилади.

Фармойиш қисми қисқа ва тўлиқ маъноли, тушунарли ва бегоҳ эътилош шарт. Ҳар бир мўлжалланган чора-тадбир, кўрсатма алоҳида бандида ифода этилади. Бандлар араб тартиб рақами билан белгиланади.

Фармойиш қисмининг ҳар бир банди "Амалга оширилсин", "Таъминлансин", "Юклатилсин", "Ҳисоблансин", "Топширилсин" каби сўзлар билан ифодаланади. Буйруқдаги кўрсатилган ҳар бир чора-тадбир учун бажарилиши мумкин. Кўрсатмаларга директор, директор ўринбосарлари ва бўлим бошлиқлари имзо чекиш ҳуқуқига эга. Кўрсатма буйруқ каби қисмлардан таркиб топади.

Хуллас, ҳужжалик юритиш шаклидан қатъи назар ҳар қандай субъект ички ҳужжатларини чиқариётганда биринчи навбатда унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишига эътибор қилиши лозим. Зеро, корхоналар томонидан чиқарилаётган ҳужжатларни айнан қонун ҳужжатлари асосида, унинг талабларига жавоб берадиган тарзда тайёрлашни мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий оғти ва ҳуқуқий малаинини кўтаришга, давлат тилида тайёрлашни эса тилимизга ҳурмат ва эътиборнинг оқини ҳам муҳим манба бўлиб ҳизмат қилади. Бунинг учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги барча корхоналар тегишли буйруқ, фармойиш ва бошқа меъёрий ҳужжатга эга бўлган ҳужжатлар тайёрлаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиши мақсада мувофиқдир.

Жўжалик юритувчи субъектлар томонидан чиқариладиган буйруқлар икки нусхада Ўзбекистон

Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 8-моддасига асосан давлат тилида тайёрланади. Зарур вақтларда эса давлат тилидан бошқа тилларга ҳам таржима қилинган ҳолда берилиши мумкин.

Янги буйруқ чиқиши билан аввалги шу масала юзасидан чиқариладиган буйруқ ўз кучини йўқотганлиги қайд этилади. Шунингдек, тўғри лозимки меъёрий ҳужжат қай тарзда қабул қилинган бўлса шу тарзда, яъни буйруқ буйруқ билан, фармойиш фармойиш билан бекор қилинади. Агар аввал чиққан буйруққа қисман ўзгариш бериш қўшимча киритилса, у ҳолда ўзгариш ва қўшимча янги тахрирда берилади. Аввалги буйруққа ўзгариш киритилганда, буйруқ лойиҳасига имзолар қайтадан қўйилади. Шахсий таркибга оид буйруқлар лойиҳасида масалага тегишли мутасадди директор ўринбосарларидан бири ва ҳуқуқшуноснинг вижаси қўйилади. Моддий масала билан боғлиқ бўлса, бош ҳисобчининг имзоси бўлиши лозим.

Буйруқ бажарилишини назорат қилиш тегишли мутахассис зиммасига юклатилади. Буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш иш юритиш йўриқномасида белгиланади.

Мансабдор шахс амалий масалалар юзасидан фармойиш қабул қилиши мумкин. Фармойиш ҳаракат муддати чекланган ҳолда ва тор доирада чиқарилади (масалан, агар корхонанинг филиал, ваколатхона ва бўлимлари мавжуд бўлса, уларнинг тор доирасига, айрим мансабдор шахслар ва ишчи-ҳодимларга тааллуқли бўлади).

Шунингдек, мансабдор шахс (раҳбар) кўрсатма, буйруқ ва бошқа ҳужжатларнинг ижроси билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан ҳуқуқий ҳужжат ҳам чиқариши мумкин. Кўрсатмаларга директор, директор ўринбосарлари ва бўлим бошлиқлари имзо чекиш ҳуқуқига эга. Кўрсатма буйруқ каби қисмлардан таркиб топади.

Хуллас, ҳужжалик юритиш шаклидан қатъи назар ҳар қандай субъект ички ҳужжатларини чиқариётганда биринчи навбатда унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишига эътибор қилиши лозим. Зеро, корхоналар томонидан чиқарилаётган ҳужжатларни айнан қонун ҳужжатлари асосида, унинг талабларига жавоб берадиган тарзда тайёрлашни мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий оғти ва ҳуқуқий малаинини кўтаришга, давлат тилида тайёрлашни эса тилимизга ҳурмат ва эътиборнинг оқини ҳам муҳим манба бўлиб ҳизмат қилади. Бунинг учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги барча корхоналар тегишли буйруқ, фармойиш ва бошқа меъёрий ҳужжатга эга бўлган ҳужжатлар тайёрлаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиши мақсада мувофиқдир.

Ж. ҚОРАБОЕВ,  
«Adolat advokat»  
адвокатлик фирмаси асосчиси



ФАҚАТ  
ЭМАС  
ЎЙИНИ

Компютер ўйинлари қачон пайдо бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар кўпчиликни қизиқтирса керак. Умуман олганда бу ўйинларнинг тарихи узок эмас.

1958 йили АҚШ Мудофаа вазирлиги ҳузурда Жадаллаштирилган тадқиқот лойиҳалари агентлиги ташкил этилади. Бу маҳкама олимлари дастлаб тенниснинг виртуал ўйини яратдилар. Уч йил ўтгач, Массачусетс технология институтини талабаси компютер ўйинларини бўлақларга, файлларга бўлиб тармоқдан жўнатиши ўзлаштириди. Натихада Space wars мавзусидаги ҳарбий ўйинлар дунёга келди. "Коинот урушлари" деб номланадиган бу ўйин кўнгил очиб учун эмас, балки мутахассисларнинг ҳарбий ҳаракатлар стратегиясини компютер орқали ўзлаштиришлари учун тайёрланган.

1982 йилга келиб Интернет тизими мукамаллаштирилгач, "Mario" деб номланган ўйин пайдо бўлди. Шундан сўнг бу соҳада янги-янги ўйинлар яратилди.

1989 йили компютерда икки киши бўлиб ўйнайдиган ўйинлар русумга кирди. Бу эса одамларнинг ушбу ўйинларга қизиқишини янада оширди. Утган аср охирида Интернетда бир вақтнинг ўзига дунёнинг исталган нуқтаси билан мулоқот қилиш — чат тизими амалга киритилгач, компютер ўйинлари ҳам Интернет тармоғидан жой ола бошлади.

Ҳозирга келиб "Sony", "Sega" корпорациялари томонидан "онлайн" ўйинларига эътибор кучаймоқда.

"Онлайн" ўйинлари ҳозирда сердаромад соҳалардан бирига айланиб улгурган. 2001 йили дунё бўйича видео ва компютер ўйинлари савдосидан кўрилган фойда 6,35 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 10 миллиард АҚШ долларига етказиш кўзда тутилмоқда.

Бугун "онлайн" ўйинларидан нафақат хордик чиқариши, балки таълим олиш учун ҳам фойдаланилмоқда. Ўйинлар орқали ёш болалар ўқиш, санашини, катталар эса хордик тилларини ўрганмоқда.

Япониянинг Киото шаҳри мутахассислари ақлли компютер яратишди. Агар сиз компютер қаршида асабийлашиб ўтирсангиз, у сизга мустақам соғлиқ тилаб, кейин бирор кулгили латифа айтиб беришга руҳсат сўрайди. Шуниси қизиқки, бу темир кути одам овозига қараб муомала қилади. Кишининг кўтаринки кайфиятидан кўра тушкунлигидан кўпроқ таъсирланиб, иш кўриши эса ҳаммасидан қизиқ.



## MICROSOFT Rossiyaning Tijorat Firmasini Sudga Berdi

Новосибирскда Microsoft компаниясининг муаллифлик ҳуқуқларидан ноқонуний равишда фойдаланганликка доир жиноий иш кўзга тутилди. Иш Microsoft компаниясига тегишли дастурлардан ноқонуний таъминланган компютерлар савдоси билан шуғулланувчи маҳаллий фирмага қарши очилди. Прокуратура ходимларининг сўзларига кўра сотувга чиқарилган компютерларнинг дастурий таъминоти Microsoft дастурларидан ўринча нусха кўчириш орқали амалга оширилган. Россия қонунчилигига биноан, фирма раҳбарига нисбатан катта миқдордаги жарима ёки икки йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қўллаши мумкин.

## "Ияха" Компютер Вируси Таҳдиди

Декабр ойининг охирида аниқланган "Ияха" вируси Интернетта ҳақиқий эпидемия келтириши мумкин. Бугунги кунда унинг асосий ўчоги Буюк Британия ва Нидерландия бўлиб турибди. Ҳозирча мутахассислар вируснинг Кувайт давлатида пайдо бўлганини аниқлашди, холос.

Янги йил арафасида пайдо бўлган "Ияха" почта чувалчанининг бу тури жуда хавфли компютер вируси сифатида баҳоланмоқда. У тизимга киргач, дарҳол антивирус дастури ишдан чиқаради ва топилган ҳар бир электрон почта манзилга тарқалади. Вирус ҳеч нарсаи четлаштирмайди, шунингдек махфий ахборотни ҳам ўғирламайди. Аммо компютер Интернет тармоғининг навбат-

даги ҳар қандай ҳужуми олдида бутунлай ҳимоясиз бўлиб қолади.

"Ияха" жуда тез тарқалади. Одатда у электрон почта орқали келади. Тарқатувчи фойдаланувчига вирус билан захарланган янги ўйин ёки бирор бир картина кўришни таклиф қилади. Янги йил арафасида вирус байрам ойнахатлари тизимда аширинган ҳолда кўплай тарқатилган.

Мазкур компютер вирусини бартараф этиш йўли мавжуд. Бунинг учун янги антивирус дастури ишдан чиқариш керак. Шу билан бирга нотаниш кишилар хатидан ўта эҳтиёт бўлиш лозим. Ҳар қандай вазиятда, ҳатто бир неча миллионлик ютуқ ёки янги компютер дастури ваъда қилинса ҳам ҳатти оча кўрманг.

## ОВОЗНИ ЁЗУВГА АЙДАНТИРУВЧИ ДИЖИТАЛ ТАЙП

OLYMPUS фирмаси DS-150 модели янги дижитал овоз ёзиш жиҳозини яратди. Унинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, "кичкина мўъжиза" IBMнинг Via Voice деб аталган дастури ёрдамида овозни компютерга матн сифатида ўғира олади.

Саккиз мегабайтлик хотираси бўлган бу жиҳоз ҳаммаси бўлиб 160 дақиқалик овозни дижитал тасмага қайд этиш имкониятига эга. Шунингдек, у овоз чиққанда автоматик равишда ишга тушиб овозни ёза бошлайди, товус тўхтаганда эса ўз-ўзидан ўчади.



## 150 МУСИКАЛИ CD ЭНДИ ЧЎНТАГИНГИЗДА

Бир неча мuddат илгари Nomad II деб аталган MP3 валкман билан кўпчиликни ҳайратда қолдирган Creativ фирмаси мусика илхосмандлари учун яна бир тўхфа армуғон этди.

CD-валкман ҳажмидаги Nomad Jukebox номини олган янги махсулот роппа-роса 150 та CDга сифадиган қўшиқ ва мусикани ўз хотирасида сақлай олади. Jukeboxнинг бундай катта имкониятга эга бўли-

ши ундаги 6 гигабайтлик собит дискка боғлиқ. 350-400 АҚШ доллари қийматида Европа бозорларига чиқарилган ушбу жиҳоз нафақат бугунда мавжуд, балки келажақда ишлаб чиқиши мумкин бўлган дижитал мусика форматларига ҳам тўғри келади. У тўрт дон оддий батареяка билан бир неча соат давомидан сизни мусика оламидан баҳраманд этади.

## ЭЛЕКТРОН ЯКТАК

ошириши мумкин. Яктакнинг эркин бозордаги нархи 900 АҚШ долларига тенг.

Интернет хабарлари асосида у. йўлдошев ва И. ОМОНОВлар тайёрлашди

● ТАРИХ

Камилла Розали Клодел Франциянинг Шампан провинциясидаги Фер шаҳарчасида 1864 йил, 8 декабрда дунёга келди. Унинг отаси Луи-Преспер Клодел эътиборида ва узига тўқ кишилардан бўлиб, ажабодлари сингаари хусусий мулк юмушларини бошқарибди. Унаси Луиза Серво отирибди, босиқ аёл булган ва узини фарзандлар тарбиясига бахшида қилган. Уларнинг қизлари — Камилла ва Луиза ҳамда Пол исми ўғли бор эди.

Камилла ўз дунёсида яшар, уй ишларини юритишни эқтирмас эди. Сирларини унга яқин булган укаси билангина уртоқлашарди. Йиллар ўтиб дипломат, шоир, расом ва Франция академияси бўлиб етишган Пол Клодел онаси ҳақида шундай эслади: "У буюк ишлар учун яралганини ҳис қиларди..."

Камилла ноёб истеъдод соҳибаси эди. Унинг бармоқлари теккан лой булаклари гўёки жонланаётган кетарди. Ешгайданоқ антик давр адиблари китобларини кўп ўқиб, ҳайкалтарошларнинг асарларига ҳайрат ила боқар эди. 1881 йили Луи-Преспер Клодел хизмат юзасидан Парижга боради. Тез орада бутун оила эъзолари ҳам бу ерга кўчиб ўтди. Бу вақтда Камилла эндигина ун етти ёшга қадам қўйганди. У машҳур Каларосси Академиясига тез-тез бориб туришни одат қилади. Нотаниш қизиқаниш ишларини кўрганлар ўз ҳайратларини яшира олмас, унинг иқтидорига тасаннолар айгишар эди. Моҳир ҳўқар орқали жонланган ҳайкалар узининг оригини налагити ва гайритабиийлиги билан ажралиб турарди. Клоделнинг биринчи устози ҳайкалтарош Алфред Буш булган. Айнан мана шу инсон 19 ёшли Камилла Клоделни парижлик машҳур ҳайкалтарош Огюст Роденнинг устaxonасига олиб боради...

Тақдир уларни узраштирганди. Камилла гўёки Огюста манука ва шоғирдалик учтигина яралгандек эди. Камилла илк бор устaxonага қадам қўйганида Роденнинг унинг гузаллиги эмас, санъатга булган қизиқиши, ҳис-ҳажонига йўриланган ҳаракатлари ҳайратини оширганди. Огюст ҳаётда кўп машғулоқлар булган, аммо узидан икки

баравар ёш бу қиз илк бор унда ҳақиқий эркаклик эҳтиросини уйғотган бўлса ажабмас. "Боттичелли портретларидаги гузалликнидек тўқ кўк рандаги мовий кўз, тазьирчан нафис лаб, елкасига тушиб турган тилларнинг соқлар. Мағрур, ажойиб ва болаликнидек қувноқ қиёфа" — уни буюк ҳайкалтарош мана шундай таърифлаганди.

Огюст ўрта ёшларда бўлиб, барваста ва ҳаракатчан, бармоқлари катта, кудратли гўёки табиатнинг сеҳридан кучидан яралгандек туюлар-

ди. Малларанг сочларига озгина оқ оралагани, кенг пешонали, соқоли сарғиш, мовий кўзи эди. Камилла унинг ишхонасига ҳар кун келишни одат қилди. У хонани ювиб-сидирар, лой пиштар, ишларга кўмаклашар, Роден эса қизнинг ҳаракатларини зимдан кузатар эди. Қизнинг ёшлиги уни хиёлолатга қўярди. Уни биргина нарса — Камилланинг қоматини кўриш истай эди. Бир кун Камилла Клодел устaxonада ҳар қачонгидан кўп қолиб кетди...

Шундай қилиб устaxonа икки ошиқ ишқий муносабатларининг бошланасига айлақди. Бир вақтлар бу ерда Жорж Санд ва Алфред де Мюсселар ўз асарларини яраттишгани муҳаббат оғушида ҳаёт кечиришганига тарих гувоҳ. Энди эса янги исмлар: Огюст Роден ва Камилла Клоделларнинг эҳтиросли учрашувлари пайдо бўлди. Ва яна, ҳатто вақт ҳам ўз таъсирини ўтқа-

з олмайдиган СЕВГИ ва ИЖОД. Камилла Роденнинг иҳлом париси эди. Унинг шарофати билан қатор ажойиб ишлар — "Абадий санам", "Данаида", "Сиреналар", "Ҳай", "Аврора" қабил улмас санъат дурдоналари пайдо бўлди.

Устозига булган муҳаббати Камилланинг қалбини ёқар, мақтовларидан гурурланир эди. Огюст ҳам борган сари Камилланинг ўз ишларини ниҳоясига етказишига ишониб қолганди. Уларнинг ҳаёти ажойиб ўтиши мумкин эди, фақатгина...

Илгирми йилларки, Огюст Роден унга ажайиб асарни "Абадий баҳор"ни яратди. Бу Роден томонидан яралган севги маҳжуси эди...

Уларнинг муносабатлари шу зайдда давом этиши мумкин эмасди. "Бирор марта менга севгиини ни айтганимсан?" — деди Камилла. "Сен меннинг бутун бораганимсан" — жавоб қайтарди у. "Ҳеч қачон Розани ташлаб кетмайсан, — давом этди Камилла, — ачиниш ҳисси баъзан севгидан кучли..."

Камилла деворга қараб жим ётар, йиғламас ҳам, гапирмас ҳам эди. Бир неча кун аввалги асаб тутқаноғи уни шу кўйга солиб қўйганди. Ун йилдан ортиқ умрини унга ёрдам бериш учунгина бағишла-

Камилла Италия хиебонларидан бирида жойлашган уйда ёлғиз ўтса, қамалиб яшарди. Бу уй унга устaxonа, ётоқхона ҳамда ошхона вазифасини ўтар, хонанинг мебели бир қаравот ва студдан иборат эди. Унинг ўзи озим-тузим кетди, сочларига оқ тушди. Йиллари ҳам ривожланмади. Қандай қилиб "бозори чаққон ҳайкалтарош" бўлиши мумкин? Ахир уни қўлуовчи кишиши ҳам, вусита ҳам бўлмаса. Ҳатто Роден учун ҳам унинг буюкчилигини тан олмишлари учун ўн йиллаб вақт керак булган.

Улар ажралишган ик йилларда Камилланинг ишлари анча яхши бўлиб, кўчага айланмаша чикар, узига қаҳрамон тошиб, ҳайкал ясашга киришар эди. Унда ҳали ҳам "роденлик" ҳиссиёти яшарди. Аммо бу борган сари сўниб боради. Бошлаган ишини тутқамасданоқ бўзиб ташларди. Унинг юзаси тураланмаган ишларнинг булакларига тўлди, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди. Огюстнинг ёрдамларини рад этган Камилла бутунлай ёлғизланиб қолди. Энг яқин сирдоши, укаси Пол бу вақтда Хитойда яшарди. У узининг бәрча қийноқларига ҳали ҳам севадиган кишисини айбдор деб биларди. Шу орада унинг солиғи шунчалик ёмонлашдики, яқинлари уни ақли заифлар шифохонасига олиб боришга мажбур бўлишарди...

1917 йили Роза Бере шамоллашдан вафот этди. Шу йилнинг охирида Роден ҳам ҳаёт билан видолашди. У 77 ёшда эди. Камилла Клодел ҳаммадан кўра қаттиқроқ азоб чекди. У Франциянинг жалубида жойлашган Мондерверге шаҳридаги рўҳий касалликлар клиникасида ўттиз йиллик умрини ўтказди ва шу ерда 1943 йили 79 ёшда вафот этди.

Ҳар бир ижодкорнинг асариде муаллифининг тақдирини ётади. Камилланинг ишларида ҳам бу ўз аксини топган — "Персей ва Горгона", "Балогат ёши", "Ҳитиш", "Шакутала", "Вайсақилар", "Вальс"... Унинг санъат дурдонларида аёлларга хос мулойимлик, тазьирчан ҳайус, ҳиссиёт барқ уриб турарди. Эндиликда музейнинг Клодел асарлари жойлашган қисми доимо одамлар билан гавжум.

Л.ТУРСУНОВ тайёрлади



# ОГЮСТ РОДЕН ВА КАМИЛЛА КЛОДЕЛ

## ЯГОНА ЭҲТИРОС ТАРИХИ

*Огюст Роден миллионерга айланди. Камилла Клодел эса кашикқанда вафот этди. Огюст бутунқисман машҳур ҳайкалтарош, Франциянинг маъриф қазғамини бўлди. Камилла — шифохона мажбурга айланди ва у ердан иккини ҳаётдан мажбур эди.*

ди. Малларанг сочларига озгина оқ оралагани, кенг пешонали, соқоли сарғиш, мовий кўзи эди. Камилла унинг ишхонасига ҳар кун келишни одат қилди. У хонани ювиб-сидирар, лой пиштар, ишларга кўмаклашар, Роден эса қизнинг ҳаракатларини зимдан кузатар эди. Қизнинг ёшлиги уни хиёлолатга қўярди. Уни биргина нарса — Камилланинг қоматини кўриш истай эди. Бир кун Камилла Клодел устaxonада ҳар қачонгидан кўп қолиб кетди...

Шундай қилиб устaxonа икки ошиқ ишқий муносабатларининг бошланасига айлақди. Бир вақтлар бу ерда Жорж Санд ва Алфред де Мюсселар ўз асарларини яраттишгани муҳаббат оғушида ҳаёт кечиришганига тарих гувоҳ. Энди эса янги исмлар: Огюст Роден ва Камилла Клоделларнинг эҳтиросли учрашувлари пайдо бўлди. Ва яна, ҳатто вақт ҳам ўз таъсирини ўтқа-

з олмайдиган СЕВГИ ва ИЖОД. Камилла Роденнинг иҳлом париси эди. Унинг шарофати билан қатор ажойиб ишлар — "Абадий санам", "Данаида", "Сиреналар", "Ҳай", "Аврора" қабил улмас санъат дурдоналари пайдо бўлди.

Устозига булган муҳаббати Камилланинг қалбини ёқар, мақтовларидан гурурланир эди. Огюст ҳам борган сари Камилланинг ўз ишларини ниҳоясига етказишига ишониб қолганди. Уларнинг ҳаёти ажойиб ўтиши мумкин эди, фақатгина...

Илгирми йилларки, Огюст Роден унга ажайиб асарни "Абадий баҳор"ни яратди. Бу Роден томонидан яралган севги маҳжуси эди...

Уларнинг муносабатлари шу зайдда давом этиши мумкин эмасди. "Бирор марта менга севгиини ни айтганимсан?" — деди Камилла. "Сен меннинг бутун бораганимсан" — жавоб қайтарди у. "Ҳеч қачон Розани ташлаб кетмайсан, — давом этди Камилла, — ачиниш ҳисси баъзан севгидан кучли..."

Камилла деворга қараб жим ётар, йиғламас ҳам, гапирмас ҳам эди. Бир неча кун аввалги асаб тутқаноғи уни шу кўйга солиб қўйганди. Ун йилдан ортиқ умрини унга ёрдам бериш учунгина бағишла-

### МУҲАББАТ, БУ — ...

- ♥ Ҳеч нарса аёл шубҳасини эри томонидан қутилмаганда қилинган совғадай алангалатмайди.
- ♥ Ҳуз эрларини хунук аёллар рашиқ қиладилар. Чиройли аёллар эса бегона эрларни рашиқ қиладилар.
- ♥ Садоқатда озгина ялқовлик, озгина кўрқув, озгина ҳисоб-китоб, озгина чарқоқ, озгина ҳафсаласизлик, баъзан эса ҳатто озгина садоқат ҳам бор.
- ♥ Биратўла бир қанча эркакларни азоблагиси келмайдиган аёллар бор ва улар ўз эътиборини биттасига қаратадилар: булар садоқатли аёллардир.
- ♥ Агар ҳамма аёллар садоқатли бўлганларида эди, эркаклар ким билан хотинларига хиёнат қиларди?
- ♥ Биз бир-биримизга қирқ йил муттасил садоқат кўрсатиб келдик. Агар хотиним буни билганида, мени отиб ташларди.
- ♥ Ҳумир садоқатли бўлишни истиади-ю удалдай олмайди, чол хиёнат қилгиси келадди-ю бу иш қўлидан келмайди.

Ш.ЭРТАШЕВ тайёрлаган

### ХАРАДАЛАР

АҚШ постларидан биридаги хат анча вақт қолиб кетди, чунки унинг хатчилиги "Шаҳрининг энг аҳмоқ адвокатига" деб ёзилган эди. Ниҳоят бир кун хат олинди. Хатни олган адвокат озим-кўрса, ичиде 100 доллар пул ва бир қорғожа бор экан. Қорғожа шундай деб ёзилган эди: "Қаранг-а, сиз мени уйлаганчлик аҳмоқ эмас экансиз!"

Суд мажлисида судья сўради: — Айбдор, айтинг-чи. Сиз банюда ҳозиргина мен тасвирлаб бергандек бостириб қирдингизми? — Йўқ, жаноб судья, — деди айбдор, — аммо сизнинг усулингиз ҳам чакки эмас экан.

### Maslahat

#### ГРИПП БИЛАН ОФРИСАНГИЗ...

- Мойичечак (ромашка) ва далачой (зверобой) дамламалари билан томоқни гарғара қилиш лозим.
- Уртача катталиқдаги анорини ҳўл матога ўраб, газ печкада бир соат қиздирилади ва унинг шираси кунига уч марта 30-40 граммдан ичилади.
- Икки ош қошиқ ароқ ва бир ош қошиқ сирка аралаштирилиб, баланнинг мушаклари артилади.
- Пиёз ёки саримсоқ пиёз ширасини бурунча томизиш яхши фойда беради.
- Беморта малинали, лимонли чой, наъматак дамламаси, кўп миқдорда суюқлик ичиниш тавсия этилади.
- Қизилча лавлагисининг шарбатидан истеъмол этиб турилса, тумовга малҳамлик қилади, камқонликда шифоли бўлади, тананинг хасталиқларга нисбатан булган барлошлигини оширади.
- Қайноқ сутта бир чимдим ичимлик солдаси қўшиб ичладиган бўлса, томоқ оғриги енгиллашади, йўталга малҳам бўлади.
- Шолпом ёки бехўнинг ўртаси ўйили, унинг ичи сариёғ ёхуд думба билан тўлирилади ва қасқонда димлаб пишпирилади. Сунг истеъмол этилса, ўтқача дармон бўлади, кўкранчи юмшатади, товушини равоқ қилади.
- Асл асаб билан сариёғни аралаштириб, бир чой қошиқдан ютилса, муртақ безларнинг яллиғлигини кони фойда бўлади.



РУС ҚИЗИ ЕВРОПАНИ ЗАБТ ЭТДИ

Чоршанба кун Бейрутда бўлиб ўтган "Европа гўзали — 2002" танлови голиблигини Россия вакиласи Светлана Королёва қўлга киритди. Иккинчи ўрин германиялик Наташа Бюргерга, учинчи ўрин эса туркиялик Эра Эронга насиб этди.

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Андикон почтаси" акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари қорхона директорининг биринчи ўринбосари **Д.ОМОНОВ**ни муборак 60 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриқлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, хонадонига тинчлик-хотиржамлик ҳамда ишларига ривож тилайди.

"Тошкент Телеком" филиали Янгибозор телекоммуникация боғламаси жамоаси қорхона ходимлари **М.ПОЗИЛХОНОВ**, **Д.ҲАКИМОВА**, **А.ДАДАХҲУЖАЕВ**, **Э.АКИМОВ**ларни тувланган кунлари билан чин дилдан қутлайди. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва ишларида омад тилайди.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
Иззат АХМЕДОВ

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Алишер ҲУЖАЕВ,  
Шухрат ЖАББОР,  
Анатолий КУДИНОВ,  
Шодмон ОТАБЕК  
(Бош муҳаррир),  
Мирўлғат МИРЗО,  
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,  
А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42  
**Habar@uzapt.uzpk.uz**  
ИНДЕКС: 64600  
Жума кунларидикиди

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатда олинган.

Буюртма №Г-067.  
9890 нусхада чоп этилиди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳарҳми 1 босма табоқ.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва сақланганди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ.

Масхона Тошкент шаҳри, «Шўқ» Турко кўчаси, 41-уй.

Матн тўрғуси: Д.МАТЎРБОНОВА  
Саҳифаловчи: Ш.КИМсанбонев

Босишга топширилиди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00